

**ЖАНГОВАР ВА ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК – УНИНГ ИЧКИ ИШЛАР
ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ТАЙЁРГАРЛИГИДАГИ РОЛИНИНГ
ОРТИБ БОРИШИ ВА КЎНИКМА, МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ**

Бўтаев Исроил Назирович

ИИВ Малака ошириши институти Касбий тайёргарлик факултети

Жанговар ва жисмоний тайёргарлик цикли катта ўқитувчиси

e-mail: akrom.mir1988@gmail.com

Аннотация: Жисмоний чиниққанлик ходимларнинг хизмат фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатади. Бу, биринчидан, ходимларнинг хизмат малакаларини ҳамда организмнинг ноқулай вазиятларда салбий омилларга қарши барқарорлигини оширишда, иккинчидан, уларнинг маънавий-сиёсий ҳамда психологик сифатларини мустаҳкамлашда намоён бўлади.

Калим сўзлар: жисмоний сифатлар, жанговар ва жисмоний тайёргарлик, куч сифатлари, жисмоний сифатлар, кўникма ва малака.

Шахсий таркибнинг иш қобилияти сақланиши ва маҳсус касбий сифатларининг шаклланишини таъминлашда жисмоний тайёргарлик муҳим ўрин тутиб, ходимлар жанговар тайёргарлигини ушлаб туришнинг асосий элементларидан бири ҳисобланади.

Жисмоний чиниққанлик ходимларнинг хизмат фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатади. Бу, биринчидан, ходимларнинг хизмат малакаларини ҳамда организмнинг ноқулай вазиятларда салбий омилларга қарши барқарорлигини оширишда, иккинчидан, уларнинг маънавий-сиёсий ҳамда психологик сифатларини мустаҳкамлашда намоён бўлади.

Жисмоний ва жанговар тайёргарлик ҳозирги пайтда ички ишлар органлари ходимлари маҳоратининг асосий элементи сифатида кўриб чиқилар экан, ушбу соҳа идоралари бўлим ва бўлинмаларининг, ходимларининг ўз олдилариға қўйилган вазифаларни олий даражада ва сифатли бажаришларида етакчи омил ҳисобланади. Шу боис ҳам барча тоифадаги раҳбарларнинг жисмоний тайёргарликнинг ҳар қандай бўлими ёки элементининг хизмат вазифаларини бажаришдаги аҳамиятини баҳолашга бўлган интилиши тушунарли ҳолдир.

Жанговар-жисмоний тайёргарликнинг хизматга юқори даражада тайёргарликни ушлаб туришдаги аҳамияти ички ишлар органлари хизмат фаолиятининг характери ва усуслари билан доимий равишда чамбарчас боғлик. Бу, ўз навбатида, бўлим ва бўлинмаларнинг ихтиёрида бўлган куч ва воситалар, уларнинг бажарадиган вазифалари билан ҳам узвий боғланган.

Ходимларнинг хизмат малакалари ҳолатига жанговар-жисмоний

тайёрланганлик даражасининг таъсири ҳақидаги масалани кўриб чиқиш ушбу таъсирнинг амалга оширилиши механизмини тушунмасдан мумкин эмас. Кўп сонли тадқиқотларда исботланишича, ушбу механизм асосида инсоният фаолиятининг бир соҳасида шаклланган малака ва кўникмаларнинг бошқа соҳада эгалланган малака ва кўникмалар натижасига кўчириш ёки ўтказиш ҳодисаси ётади. Бу кўчириш ҳаракатлари тузилиши бўйича бир-бирига яқин бўлган, масалан, турли хил жисмоний машқлар, шунингдек, бир-биридан узоқ бўлган машқлар орасида амалга оширилиши мумкин.

Кўчириш ҳодисаси, психологиядан фарқли равишда, жисмоний тайёргарликка мувофиқ нафақат малакаларга нисбатан, балки жисмоний қобилияtlарга нисбатан ҳам қузатилиши мумкин. Олдиндан айтиб қўйиш лозимки, жисмоний қобилияtlар ёки ҳаракатлар малакасини соф ҳолда кўчишини қузатиш амалий жиҳатдан мумкин эмас. Чунки улар ҳар қандай машқни бажаришда биргаликда қўлланилади ва тренеровкалар натижаси малакаларга боғлиқ бўлгани каби жисмоний қобилияtlарга ҳам боғлиқ.

Компьютер техникаси ва технологияларнинг ривожланиши натижасида ушбу техникалар билан ишловчи операторлик йўналишидаги ходимлар сонининг ортиши жисмоний шуғулланганлик билан ушбу фаолият ўртасида кўчириш механизmlарини маҳсус кўриб чиқиши талаб қиласди. Унда интеллектуал ҳаракатлар компоненти муҳим бўлиб, жисмоний куч ишлатиш кўп талаб қилинмайди. Бу ерда кўчириши амалга оширишнинг икки йўлини кўrsatiш мумкин. Бир томондан, юқори даражада жисмоний шуғулланганлик касбий чидамлиликнинг зарур физиологик базасини таъминлайди, бошқа томондан эса жисмоний машқлар билан шуғулланиш жараёнида, табиийки организмнинг вегетатив (ўсувчи) тизимлари фаолиятини таъминлаш механизми кучли босим остида шаклланади. У интеллектуал иш жараёнида муҳим қарорлар қабул қилиш вақтида, жавобгарлик ҳисси юқори бўлган топшириқларни бажаришда юзага чиқади ва психологик зўриқиши билан боғлиқ бўлади.

Кўчириш ҳодисасини режалаштиришда ҳар доим жисмоний қобилияtlарнинг ривожланиши ва ҳаракатланиш малакалари эгалланишининг қайси даражасида уларнинг бошқа фаолият шаклларига ижобий таъсири самарали бўлиши мумкинлиги тўғрисида савол туғилади. Кўплаб тадқиқотлар таҳлили айrim объектив қонуниятларга таъриф бериш учун асос бўлади.

Далилларнинг кўrsatiشicha, кўчириш ёки ўтказиш фаолиятнинг асосий турларида ҳаракат кўникмалари ва малакалари шаклланишининг дастлабки босқичларида осон амалга оширилади. Профессионал ҳаракатлар ва жисмоний машқларни бажариш малакаларини эгаллаб бориш жараёнида улар ўртасидаги алоқа аста-секинлик билан «ювилиб кетади» ва йўққа чиқади.

Жисмоний машқлар ёрдами билан асосий профессионал малака ва

маҳоратлар эгалланганидан кейин толиқиши ва чарчашида малака тизимининг сақланиш шароитлари ва турғун иш қобилиятининг физиологик базасини шакллантириб, кўчиришларнинг кенг доирада амал қилишини таъминлаш мумкин. Айнан шу билан экстремал вазиятларда тажрибали ходимнинг фаолиятига жисмоний тайёрланганликнинг таъсирини тушунтириш мумкин. Жисмоний тайёргарликнинг фарқи организмнинг узоқ чўзилган оғир хизматдан кейинги тикланиш жараёнида ҳам ўзини кўрсатади.

Ўқитувчи кўчириш ҳодисасининг барча объектив қонуниятларини хисобга олган ҳолда шахсий таркиб учун жисмоний тайёргарликнинг мазмунини шакллантиришда қўйидагиларни назарда тутиши керак:

- жисмоний қобилиятларнинг ривожланиши ва ҳаракат қўникмалари эгалланганлигининг мавжуд даражаси қандай қилиб қурол ва техника билан ҳаракат қилиш натижаларига таъсир қиласди;

- жисмоний тайёргарлик жараёнида ҳаракат қўникмаларини такомиллаштириш ва жисмоний қобилиятларнинг ривожланишни қайси йўналишда ва қай даражада ошириш профессионал маҳорат ва малакаларни эгаллаш ҳамда ўқув-жанговар топшириқларни бажаришга таъсир қиласди.

Жисмоний тайёрланганлик омилиниң таъсири ички ишлар органларининг барча хизмат йўналишларига хосдир. Ҳаракат қўникмалари жамғармасининг етарлича мавжудлиги, фаолият усулларининг бирдан иккинчисига тез ва самарали ўтиш қобилияти – автоматлаштирилган тизим оператори иши ишончлигининг муҳим шарти ҳисобланади. Жисмоний шуғулланганликнинг юқори даражаси ходимларнинг вазиятни тез баҳолаш, қийин шароитларда дархол қарор қабул қилиш қобилиятларини сезиларли даражада оширади.

Тўғри ташкил қилинган ва ўтказилган жисмоний тайёргарлик жанговар ўқиш жараёнини жадаллаштиради. Шахсий таркибнинг кўп кунлик ўқиши (учения)нинг вақт сарфи ҳисоблаб чиқилганда шу нарса аниқланганки, ходимларнинг фаол ҳаракати муайян жисмоний юклама (нагрузка) ва руҳий зўриқиши билан боғлиқлиги машғулотга кетган бутун вақтнинг 60 фоизига етади, ухлаш учун 20 фоиздан кўп бўлмаган вақт сарфланади. Албатта, бундай қийинчиликларни жисмоний машғулотлар билан шуғулланган одамгина енгиб ўтади. Жисмоний тайёрланганликнинг паст даражаси ички ишлар органлари бўлим ва бўлинмаларининг, қолаверса, ҳар бир ходимнинг маҳсус топшириқларни самарали бажаришига салбий таъсир қиласди. Бу, асосан, ҳаракатларнинг сусайиши, ҳаракат қилишнинг ноаниқлиги, иш қобилияти ва чидамлиликнинг бекарорлигига намоён бўлади. Яхши жисмоний тайёргарликка эга бўлган ходимнинг иш қобилияти узоқ давом этган оғир вазифалардан сўнг ҳам деярли ўзгармайди, яхши жисмоний тайёргарликка эга бўлмаган ходимларда эса аксинча, иш қобилияти биринчи суткадан кейин 35-40% га камаяди.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида олинган юқоридаги маълумотларнинг кўрсатишича, жисмоний шуғулланганлик даражаси ходимлар томонидан топшириқларни бажариш тезлиги ва аниқлигига сезиларли таъсир кўрсатади.

Аъло даражадаги соғлиқ ва жисмоний шуғулланганлик бир қатор мураккаб вазифаларни бир вақтда бажаришда кучлар мувозанатини тенг тақсимлаш ҳамда тез ва аниқ қарор қабул қилишда ёрдам беради, эмоционал турғунликни сақлайди.

Шундай қилиб, илмий тадқиқотлар натижалари ҳамда ички ишлар органларининг бўлим ва бўлинмаларида тўпланган тажриба шундан гувоҳлик берадики, жисмоний тайёргарлик жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг барча йўналишларида шахсий таркибнинг жанговар маҳоратини оширишнинг муҳим воситаси сифатида майдонга чиқиб, ходимларнинг профессионал билимлари даражасининг кўрсаткичи ҳисобланади. Жанговар-жисмоний тайёргарликнинг роли, аввало, нафақат жисмоний, балки ақлий иш қобилиятини сақлаш ва ошириш, уларнинг оғир меҳнатдан кейин жуда қисқа фурсатда бошланғич ҳолатига қайтишида намоён бўлади. Шу сабабли ички ишлар идоралари ходимлари ҳар қандай шароитда, эгаллаган жисмоний тайёргарликларини самарали ва ишончли қўллаган ҳолда олдиларига қўйилган вазифаларни тез, чаққон ва муваффақиятли амалга оширадилар.

Жанговар-жисмоний тайёргарлик касбий таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим воситаларидан ҳисобланади. Шу билан бирга, амалиётнинг кўрсатишича, унинг таъсири ходим касбий шаклланишининг барча босқичларида сезилиб туради ва ёрдам беради.

Мутахассисликни эгаллаш муддатларининг чегараланганлиги касбий таълим учун ўзига хос ҳисобланади ва шу билан боғлиқ ҳолда курсант ва тингловчиларнинг иқтидорини, талантини жуда тез аниқлаш зарурати вужудга келади. Шунинг учун ҳам ички ишлар идоралари хизматига кирувчилар таълимига дастлабки профессионал танлов тизими кенг жорий қилинган. Бу тизим, қоидага кўра, айрим ижтимоий-демографик ўзига хосликлар, тиббий кўрсаткичлар, касбий жиҳатдан муҳим бўлган руҳий физиологик сифатлар бўйича танловни қамраб олади. Шунингдек, ўқишга номзодларнинг жисмоний тайёргранланлиги ва спорт борасидаги тажрибалари уларнинг касбга яроқлилиги ҳақида маълумот беради. Бу шу билан изоҳланадики, ҳар бир мутахассислик йўналиши шахсий таркиб олдига касбий таълимда муваффақиятларга эришиш учун эгаллашлари лозим бўлган жисмоний хислатлар, ҳаракатланиш кўникмалари ва маҳорати бўйича ўз талабарини қўяди.

Машғулотларнинг таъсирига қарамасдан, тингловчи-курсанларда жисмоний тайёргарликнинг яхшиланиб бориши рўй беради. Уларнинг, яъни машғулотларнинг бошланғич даражасини текширишни касбий танлов тизимида

қўллаш зарур. Бу бир қанча сабабларга кўра мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, кўпгина тадқиқотларда аниқланишича, жисмоний хислатлар ва ҳаракат кўникмалари тузилишини ташкил қилувчи параметрлар орасида шундайлари борки, уларнинг ривожланиш даражаси генетик жиҳатдан олдиндан белгиланади. Масалан, чидамлилик хислатлари ривожланишини лимитловчи кислород билан тўйинганлик кўрсаткичларига ирсий омилларининг тъсири ҳақида маълумотлар олинган. Мускул пайлари таркиби, агар таҳлил (анализ)лар пайларнинг юқори солиштирма оғирлигини кўрсатса, тезлик хислатлари ривожланиши имкониятларини белгилайди.

Иккинчидан, 18 ёшга келиб ўсмирларда жисмоний қобилияtlар ва ҳаракат кўникмалари тузилишининг шаклланиши амалий жиҳатдан тўхтайди, шунинг учун ҳам кўпгина ходимларда жисмоний тайёргарлик даражаси нисбати дастлабки текширувдаги каби сақланиб қолади. Тингловчи-курсантларнинг жисмоний тайёргарланганлиги таҳлили шуни кўрсатадики, кимки ўқишига киргунча спорт билан шуғулланган ёки ўқиши бошланишидаги текширувларда яхши натижаларни кўрсатган бўлса, уларда жисмоний тайёргарлик даражаси яхши бўлади.

Учинчидан, касбий таълимнинг жуда қисқа вақти давомида жисмоний тайёргарланганлик ҳолатига тъсири кўрсатиш имконияти чегараланган. Шу боис жисмоний тайёргарлиги бўйича танлов шахсий таркибининг ўкув иш қобилиятини ошириб, машғулотларда толиқиши камайтириш имконини беради.

Шахсий таркибининг жисмоний тайёргарланганлик даражаси бўйича танлови касбий таълим натижаларига ижобий тъсири кўрсатишига жанговар тайёргарлик амалиётидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ўтказилган кўплаб тадқиқотлар ўқишига қабул қилинганларнинг жисмоний тайёргарланганлик даражаси, қоидага кўра, назарий фанлар бўйича кириш имтиҳонларини топшира олмаганларнига қараганда анча юқори эканлигини кўрсатади. Ўкув юртини аъло даражада якунлаган битириувчиларнинг ҳам жисмоний тайёргарлигининг бошланғич даражаси юқори эканлиги аниқланган.

Ҳарбийлаштирилган ўкув юртларига номзодларнинг жисмоний тайёргарланниги мажбурий синовдан ўтказиши орқали текшириб қабул қилиш, юқоридаги ижобий кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда, қоида тариқасида киритилган.

Мослашув муддатларини қисқартириш воситаларидан бири таълимнинг дастлабки босқичларидан жисмоний тайёргарликни аниқ бир мақсадга йўналтирилган ҳолда ташкил қилиш ҳисобланади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, яхши жисмоний тайёргарликка эга бўлган курсант ва тингловчиларда мослашув таълимнинг дастлабки чорагида якунига етади. Бундай натижа яна шу билан изоҳланадики, жисмоний қобилияtlар ривожининг юқори даражаси ўсмир

организмининг янги меҳнат ва турмуш шароитига мослашиб кетишини таъминлайди. Таълимнинг дастлабки кунлари профессионал тайёргарлик даражаси тингловчи (курсант)лар ўртасида фарқланмаса-да, бироқ ҳаракат тажрибаси, жисмоний жиҳатдан бардошлилик биринчи планга чиқади ва спорт бўйича яхши тайёргарликка эга бўлган ўсмирлар бошқаларга намуна бўладилар.

Курсант ва тингловчиларнинг таълим ва хизмат фаолияти жараёнига мослашув босқичида жисмоний тайёргарлик жисмоний машғулотларнинг умумий даражасини оширишга, чидамлиликтини, куч ва тезликни шакллантириш ҳамда ривожлантириш учун бериладиган машқларни эгаллашга йўналтирилган бўлиши керак. Машғулотларни комплекс методлар билан ўtkазиш мақсадга мувофиқдир. Жисмоний юклама жисмоний тайёргарликнинг турли шаклларида тез-тез машғулотлар ўtkазиш ҳисобига орттириб борилади.

Ўз мутахассислиги бўйича малака ва маҳоратлар эгалланганидан кейин кундалик хизмат вазифаларини бажаришда ёки навбатдаги машғулот бошланишидан олдин уларни мустаҳкамлаш босқичи бошланади. Ушбу босқич таълимнинг кейинги босқичларини қамраб олиб, тингловчи (курсант) ўрганилган машқларни мустақил бажара оладиган бўлганидан сўнг рухсат берилади.

Ушбу босқичда ходимларнинг жанговар топширикларни бажаришда маънавий-руҳий сифатларини жисмоний тайёргарлик воситалари орқали ошириш ҳамда профессионал даражада шаклланишларига алоҳида эътибор қаратилади.

Объектив сабабларга кўра, машғулотларнинг умумий сони камайиши мумкин, бироқ жисмоний юклама ўқув жараёнининг жадаллашуви ҳисобига ортади.

Охиригни босқичда деярли барча курсант ва тингловчилар ихтисосликка эга бўлган мутахассислар бўлиб етишади ва уларнинг жанговар маҳоратини такомиллаштириш босқичи бошланади. Ушбу босқичда улар профессионал вазифаларини энг қийин вазиятларда ҳам бардош билан бажара олишни уддалашлари керак.

Юқорида келтирилганлар курсант ва тингловчиларнинг профессионал маҳоратларини оширишнинг асосий параметрлари бўлиб, зарурат туғилганда улар бошқа кўрсаткичлар билан тўлдирилиши мумкин.

Жисмоний тайёргарлик иссиқ иқлим шароитида ҳам ходимларга бир қадар турғун иш қобилиятини таъминлаши мумкин. Жисмоний машқларни, айниқса, чидамлиликка йўналтирилган машқларни бажариш жараёнида организмда ҳаракатланиш фаолиятини энергия билан таъминлашнинг тежамкор механизми шаклланади. Бу бир хил мушаклар юкланишини бажаришда шуғулланишни ошириш билан ички иссиқлик маҳсулоти пасаяди ва юқори температурада организмнинг қизиш ҳолати кечроқ бошланади деганидир.

Жисмоний машқлар билан доимий шуғулланишда асосий эътиборни

курсант ва тингловчиларнинг ҳар қандай об-ҳаво шароитларига мослаша олиш кўникмаларини шакллантиришга қаратиш талаб қилинади. Жисмоний тайёргарлик организмни чиниктириш ва фаол ҳаракатланиш камчиликларини тўлдириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Платонов В.П. Общая теория подготовки спортсменов в олимпийском спорте. – Киев, 1997.
2. Теория и методика физического воспитания: Учебник под ред. Т.Ю. Круцевич. 2 том. – Киев: Олимпийская литература, 2003. – 424 б.
3. Теория и методика физической культуры. Учебник под ред. проф. Ю.Ф.Курамшина. 2-е изд., испр. – М.: Советский спорт, 2004. – 464 б.
4. Теория спорта /Под ред. В.Н.Платонова. – Киев, 1987. – 422 б
5. Mirzakulov Akrom Gafurzhanovich,(2022). DYNAMIC ALTERATIONS IN THE STRUCTURE OF PHYSICAL TRAINING OF CADETS OF THE ACADEMY OF THE MINISTRY OF INTERNAL AFFAIRS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS, 3(04), 124–128. <https://doi.org/10.37547/pedagogics-crjp-03-04-22>
6. Mirzakulov Akrom Gafurjanovich. (2024). CROSSFIT AS AN INNOVATIVE SYSTEM OF PHYSICAL EDUCATION OF CADETS OF THE MINISTRY OF INTERNAL AFFAIRS OF THE ACADEMY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. PEDAGOGS, 58(2), 200–204. Retrieved from <https://pedagogs.uz/index.php/ped/article/view/1374>
7. Mirzakulov Akrom Gafurjanovich. (2024). THE USE OF CROSSFIT IN THE PHYSICAL TRAINING OF LAW ENFORCEMENT OFFICERS. PEDAGOGS, 58(2), 205–207. Retrieved from <https://pedagogs.uz/index.php/ped/article/view/1375>